

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАИДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЙБЕК РАХИМОВИЧ

**МОЙЛИ ЭКИНЛАР ДОНИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА
ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Файзиев Ойбек Рахимович

Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....3

Файзиев Ойбек Рахимович

Совершенствование организационно-экономических основ выращивания и переработки семян масличных культур.....27

Fayziev Oybek Raximovich

Improvement of the organizational-economic basis for the cultivation and processing of oilseeds.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАИДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕИГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЙБЕК РАХИМОВИЧ

**МОЙЛИ ЭКИНЛАР ДОНИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА
ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt96 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Нарбаев Шарофиддин Кенгешович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "17" 09 соат 14.03 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кучаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68; e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (191 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кучаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45; e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2021 йил "31" 08 кун тарқатилди.
(2021 йил "31" 08 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
иқтисодиёт фанлари доктори

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қопидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари аграр секторининг муҳим таркибий қисми саналган мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тармоғи аҳолини экологик тоза ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўсимлик мойи билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиғи ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, “2019 йилда дунёда асосий турдаги мойли экинлар (соя, рапс, пахта, ерэнгоқ ва кунгабоқар) донини етиштириш ҳажми 592,5 млн. тоннани ташкил этгани ҳолда 2016 йилга нисбатан 23,6 млн. тонна кўп маҳсулот етиштирилган”¹. Умуман олганда дунё мамлакатларида мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасининг ривожланаётганлиги ҳамда ўсимлик мойи маҳсулотларига бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганлиги тенденцияси кузатилмоқда.

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари ҳар қандай мамлакатлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳаларига, хусусан, дунё аҳолиси сонининг кескин ошиши, озиқ-овқат муаммоси каби қатор масалалар пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётига ўзининг сезиларли салбий таъсирини кўрсатмоқда. Вазиятнинг бундай ривожланиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг жаҳон хўжалиғи конъюнктурасига қарамлигини оширадиган глобаллашув жараёнларининг юқори даражаси билан изоҳланади. Буни истеъмол қилинаётган ўсимлик мойи нархининг ошиши ва танқислигида ҳам кўришимиз мумкин. Шу боисдан, аҳолининг фаол ва соғлом ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган микдорда хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан ўсимлик мойи билан таъминлаш глобал кўламда долзарб вазифа сифатида юзага чиқди.

Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати истеъмолчиларнинг ёғ-мой маҳсулотларига ва чорвачилик хўжалиқларининг тўйимли озуқаларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида катта имкониятлар мавжуд. Шу боисдан, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, корхоналарни инновацион технологиялар ва замонавий қурилмалар асосида кенг миқёсда техник қайта қурулантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хом-ашё таъминотини яхшилашга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “... *пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш*” вазифаси белгиланди². Бу эса, мойли экинлар донини етиштириш ва ёғ-мой саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида хом-ашё ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

¹ <http://xn--80aplem.xn--p1ai/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 8 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон “Ёғ-мой тармогини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон “Ёғ-мой тармогини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятларни тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мойли экинларни етиштириш самарадорлигини ошириш масалалари Т.А.Дозорова, Н.Р.Александрова, И.Н.Медянников, Е. Г.Галушкина, А.В.Острцова, А.И.Лукомец, Р.Алшанов, Т.В.Савченко, А.В.Улезько, Н.Н.Кравченко, Р.Н.Зайцев, И.Абакумов³ ва бошқа хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида ўрин олган.

Ўзбекистонда ёғ-мой саноатининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишларида маълум даражада республикамиздаги иқтисодчи олим ва тадқиқотчилардан Б.Б.Беркинов, У.Қ.Ахмедов, И.С.Саламов, А.Зубайдуллаев, М.М.Дадажонов, И.Х.Бобоев, Б.Т.Эшнаев, А.Мухторов, А.Исроилов, А.Юсупова, Г.Абдулхаева, Ф.У.Абдиназарова, Д.А.Азларова, Р.Д.Дусмуратов⁴

³Т.А.Дозорова, Н.Р.Александрова. Организационно-экономическое обеспечение эффективного функционирования масложирового подкомплекса. – Ульяновск: УГСХА им. П.А.Столыпина, 2015. – 252 с.; И.Н.Медянников. Экономические проблемы повышения эффективности производства масличных культур в регионе: авт. дис. ...к.э.н.: 08.00.05. – Ставрополь, 2004. – 24 с.; Е. Г.Галушкина. Развитие рынка семян подсолнечника (на материалах Волгоградской области): авт. дис. ...к.э.н.: 08.00.05. – Москва, 2010. – 24 с.; А.В.Острцова. Повышение экономической эффективности производства сои (на материалах Краснодарского края): авт. дис. ...к.э.н.: 08.00.05. – Краснодар, 2011. – 24 с.; А.И.Лукомец. Эффективность и устойчивость производства подсолнечника (по материалам Краснодарского края): авт. дис. ...к.э.н.: 08.00.05. – Краснодар, 2013. – 24 с.; Р.Алшанов. Казахстан на мировом рынке масличных: новые позиции. <http://economics.kazgazeta.kz/?p=7011>; Т.В.Савченко, А.В.Улезько, Н.Н.Кравченко / Управление производством масличных культур на основе кластерного подхода / – Воронеж: ФГБОУ ВПО Воронежский ГАУ, 2013. –160 с.; Р.Н. Зайцев. Экономическая эффективность производства сои в Краснодарском крае [Электронный ресурс]: дис...к.э.н.: 08.00.05. – М.: РГБ, 2003. – 160 с. (Из фондов Российской Государственной Библиотеки); Абакумов И. Тенденции развития производства маслосемян в мире и России / И. Абакумов // Экономика сельского хозяйства России. – 2012. – № 6 – С. 85-92.

⁴Беркинов Б.Б., Ахмедов У.Қ. Аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили / <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/24951-aholini-ozig-ovqat-mahsulotlariga-bolgan-istmol-talablarining-tahlili> (www.biznes-daily.uz); И.С.Саламов ва бошқ. “Ҳам сифатли, ҳам арзон...//Ўзбекистон кишлок хўжалиги, 2007 йил 11-сон 32-бет.; М.М.Дадажонов. Ўзбекистон ёғ-мой саноати самарадорлигини ошириш йўллари. Дисс. ...и.ф.н. – Андижон: 1997. – 147 б.; И.Х.Бобоев. Маҳаллийлаштириш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш (Ўзбекистон Республикаси озик-овқат саноати тармоқлари мисолида): Дисс ...и.ф.н. – Т.: 2002. – 120 б.; Б.Т.Эшнаев. Бошқарув ҳисоби ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг таҳлили (Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой ва тамаки саноати уюшмаси мисолида): Дисс ...и.ф.н. – Т.: 2006. –

ва бошқалар ўз илмий хиссаларини қўшганлар.

Ўзбекистонда ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатининг янгидан шаклланаётганлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида саноатбоп мойли экинларни етиштиришда қатта тажрибага эга эмаслиги, мойли экинларни етиштириш самарадорлигини оширишнинг методологик асослари алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, бозор муносабатлари шаклланаётган даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи билан тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва уни қайта ишловчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган муаммолар ва тармокнинг молиявий, ташкилий, таъминот масалаларининг тўла ўрганилмаганлиги, илмий асосланган йўриқноманинг зарурлиги мазкур диссертация ишининг мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ТА-ҚХА-2-003-рақамли “Иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожланишини таъминлаш шароитида мойли экинлар етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мойли экинлар донини етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларни таснифлаш;

мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизимини давлат томонидан мавжуд қўллаб-қувватлаш механизмининг таҳлил қилиш ҳамда ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда ёғ-мой саноатини ривожлантиришга доир ижобий тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республикада мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш тизимининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар шакллантириш;

мойли экинларни етиштирувчи ва қайта ишловчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-бошқарув тузилмаларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизимининг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

140 б.; Мухторов А. ва бошқ. Мойли экинларни етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Т.: “Тафаккур” – 2018. 160 б.; Ф.У.Абдиназарова. “Қишлоқ хўжалиги билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини такомиллаштириш” // Иқтисодий таълим. №3, 2017. 110-114 б.; Д.А.Азларова. “Ўзбекистон ёғ-мой саноатини ривожлантиришда персоналнинг бошқаришнинг инновацион усуллари” / Республика илмий-амалий конференция тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДАУ, 2018. 472 бет. 283-287 бетлар.; Дусмуратов Р.Д., Файзиев О.Р. Мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлашнинг ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2017. Б. 288-290.

аҳолининг ўсимлик мойига бўлган минимал истеъмол талабини тиббий меъёрлар асосида аниқлашнинг соддалаштирилган услубини ишлаб чиқиш ва истиқболни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият юритаётган мойли экинлар донини етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети мойли экинлар донини етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил қилиш, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, мантикий ва абстракт фикрлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мойли экинлар донини етиштириш тармоги учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида “Соя ва мойли экинлар” кафедраси ҳамда бошқарув тизимининг ташкилий таъминотини такомиллаштиришга қаратилган “Ғаллачилик, дон-дуккакли ва мойли экинлар бошқармаси”ни ташкил этиш таклиф қилинган;

худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос ноанъанавий мойли экинларнинг уруғлик материалига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш таклифи асосланган;

аҳолининг турли ёш ва жинс тоифаси бўйича ўсимлик мойига бўлган минимал истеъмол талабини тиббий меъёр талаблари асосида ҳисоблашнинг соддалаштирилган услуби ишлаб чиқилган;

хом-ашё ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимини қўллаб-қувватловчи ҳудудий “Ўсимлик мойи-агрокластери”ни ташкил этиш асосланган ҳамда ёндош тармоқлар билан интеграциялашув механизмлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мойли экинлар донини етиштириш ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар таснифланган;

мойли экинлар маҳсулотлари бозорини ривожлантиришга доир ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қуйи тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

мойли экинлар донини етиштириш ва уни қайта ишлаш субъектлари фаолиятини ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими тавсия этилган;

аҳолининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаб ўзгаришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишини тайёрлаш жараёнида амалга оширилган илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва хорижлик етакчи иқтисодчи олимларнинг мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини

такомиллаштириш масалаларига багишланган илмий-назарий карашларини киёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки мойли экинлар донини етиштириш, уни қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича мақсадли дастурлар ва йўл хариталарини шакллантириш ҳамда назарий билимларни бойитиш имконини беради.

Амалий аҳамияти нуқтаи назардан мойли экинлар донини етиштириш, уни қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий, норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида шунингдек, тармоқ ОТМларидаги тегишли фан йўналишлари бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тармогини бошқариш тизими, унинг ташкилий-услубий ва кадр таъминотини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 ноябрдаги 01/025-393-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг янги таркибий тузилмасида “Ғаллачилик, дон-дуккакли ва мойли экинлар” бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда Тошкент давлат аграр университетида “Соя ва мойли экинлар” кафедраси ташкил этилган;

республикамызнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳар бир вилоятда ноанъанавий мойли экинлар уруғчилигига ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 ноябрдаги 01/025-393-сон маълумотномаси). Натижада, Республика бўйича 5 та вилоятда жами 15 та “Соя уруғлиги етиштиришга ихтисослаштирилган уруғчилик фермер хўжаликлари” ташкил этилган;

республика аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган кунлик (суткалик) ва йиллик истеъмол меъёрлари ҳамда уларни ҳисоблаш услуби бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги НБ-5-1/20-1592-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда ўсимлик мойига бўлган бир кишининг ўртача кунлик

(суткалик) ва йиллик истеъмол меъёри (*мос равишида 23,43 гр ва 8,55 кг*) ҳамда жами аҳолининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби (*2020 йил учун 290,0 минг тонна*)ни аниқлашнинг услубий асослари яратилган;

худудий “Ўсимлик мойи-агрокластери”ни шакллантириш боскичлари, таркибий тузилмаси ва унинг фаолият самарадорлигини таъминлаш, хом-ашё ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизимини қўллаб-қувватловчи ҳамда ёндош тармоқлар билан интеграциялашув механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 1 ноябрдаги 01/025-393-сон маълумотномаси). Натижада, Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган субъектлар фаолиятининг синергетик самарадорлиги ўртача 8,0-12,0 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та, жумладан 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами ўн та илмий иш, шундан саккизтаси маҳаллий ва иккитаси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, шунингдек, 42 та жадвал, 10 та расмдан иборат бўлиб, жами 155 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизими самарадорлигининг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида мойли экинлар донини етиштириш самарадорлигининг назарий асослари, унга таъсир кўрсатувчи омиллар, донни етиштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми, дон етиштиришда хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари ўрганилган.

Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизими фаолиятининг самарадорлиги фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий тизимининг йўлга қўйилиши билан белгиланади. Иқтисодий муносабатлар эса, корхоналар молия-хўжалик фаолияти жараёнида иқтисодий манфаатлар асосида амалга ошириладиган алоқалар шаклида юзага

келади.

Мойли экинлар донини етиштириш, хом-ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш жараёни аграр соҳадаги ўзига хос бўгинларнинг ўзаро муносабатлари ва таъсирида таъминланади. Булар асосан, қишлоқ хўжалиги, таъминот, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўгинларидан иборат. Ушбу бўгинларнинг яхлитлиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг бутунлиги улар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир бўгин ишлаб чиқариш воситалари ва хом-ашё билан таъминлаш, хом-ашёни сақлаш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш шартлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ўзига ёндош бўгинлар билан ҳам ўзаро муносабатда бўлади.

Ўтказилган монографик тадқиқотлар натижасига асосланиб фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш учун ўсимлик мойини фермер хўжалиги ва қайта ишлаш корхонаси ўртасида тақсимлаш услуби тавсия қилинади. Ушбу услуб қуйидаги қоидаларга асосланади.

- фермер хўжаликларига тегишли бўладиган ўсимлик мойининг миқдори хом-ашёнинг сифатига боғлиқлиги;

- фермерлар хом-ашё қайта ишланганидан кейин оладиган ўсимлик мойи миқдори тўғрисида олдиндан маълумотга эгалиги;


- қайта ишлаш корхоналарини янги техника ва технологияларини қўллашга рағбатлантириладиган иқтисодий дастаклар ишга туширилиши.

Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмол тизимини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- норматив-ҳуқуқий ва маъмурий дастаклар;
- бевосита таъсир кўрсатувчи молиявий-иқтисодий дастаклар;
- билвосита таъсир кўрсатиш дастаклари (1-расм).

Диссертациянинг **“Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизимида иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида, мойли экинлар донини етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, дон етиштириш бўйича ички ресурслар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари, мойли экинлар донини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўзаро муносабатларининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилиниб, илмий асосланган хулосалар шакллантирилган.

Кейинги йилларда пахта экиладиган майдонларни аста-секинлик билан қисқартириш ва бўшаган пахта майдонларининг ўрнига озик-овқат экинларини тизимли равишда жойлаштиришга алоҳида аҳамият берилмокда Республика бўйича асосий турдаги мойли экинларнинг умумий ер майдони ўрганилаётган йилларда ўзгариб турган. Асосий турдаги мойли экинларнинг умумий ер майдони 2006 йилдаги 19,9 минг гектар ўрнига 2019 йилда қарийб 2 бараварга ошиб, ўртача 38,7 минг гектарни ташкил этган. Олинган ялпи ҳосил миқдори ҳам 2019 йилда 2006 йилга нисбатан 79 минг тоннага ёки ўртача ҳисобда 4,3



1-расм. Мойли экинларни етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш механизми⁵

⁵ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

мартага ошган.

Мойли экинларни етиштирувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан қайта ишлаш корхоналари ҳамда ўсимлик мойини сотувчи ташкилотлар ўртасида амал қилаётган ўзаро иқтисодий муносабатлар иштирокчилар манфаатларини тўлиқ таъминлай олмайди ҳамда ушбу қуйи тармокни барқарор ривожлантириш имкониятига эга эмас.

Шундай қилиб, олиб борилган монографик тадқиқот ва ўрганишларимиз асосида ҳозирги кунда, биргина мойли экинлар донини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўзаро муносабатларининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муҳим масалалар ўз ечимини топиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан;

мойли экинлардан юқори ҳосил олиш ва донини етиштиришда унинг таннархини пасайтирадиган замонавий ва илгор ресурстежамкор агротехнологиялардан фойдаланиш бўйича фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларига амалий ёрдам ва маслаҳатлар берадиган агрономларнинг етишмаслиги, қолаверса, тармокни янада ривожлантириш масалаларига қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда юқори малакали мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлаш масалаларидаги оқсоқланишларнинг кузатилаётганлиги;

мойли экинлар донини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш бўйича жойлардаги муаммоларни тизимли равишда ўрганиш, уларни бартараф этиш, соҳани ривожлантириш масаласида республика ва хорижий инвестицияларнинг камлиги, қолаверса, илмий муассасалари ва олимлари ўртасидаги интеграциянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи бозор талабларини ўрганиш, экинларни жойлаштириш ва мониторингини олиб боришнинг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг суғлиги;

мойли экинларнинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган юқори авлодли, серҳосил, мойдорлик даражаси юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги навларни яратиш, тезпишар, супер элита ва элита уруглик материалларини тайёрлаш ҳамда уларни кўпайтириш, бирламчи уругчилигини ташкил этиш, навларни интродукциялаш бўйича селекция ва уругчилик ишларида илмий тавсияларни ишлаб чиқишда селекционерлар, уругчи-олимлар ва соҳа мутахассисларини кенг жалб қилиш ишлари қонқарсиз тарзда амалга оширилаётганлиги каби муаммоларни санаб ўтишимиз мумкин.

Монографик кузатишлар шуни тасдиқладики, мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида вужудга келаётган кўплаб камчиликлар инфратузилма объектларининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Жумладан, уруглик ва ўсимлик мойи бозори фаолиятида улгуржи ва чакана савдо, ташкилотлари ва омборхона хўжалиги, ахборот-консалтинг хизмати, транспорт-логистика тизими, молия-кредит ва ташкилий-таъминот масалалари яхши йўлга қўйилмаган.

Шундай қилиб, эндиликда тармокда ишни тўғри ташкил этиш учун дастлаб, тизимдаги бошқарувни оптималлаштириш ва тузилмаларда таркибий

ўзгартиришларни амалга оширишнинг вақти келганлигини даврнинг ўзи долзарб масала этиб белгилаб бермоқда.

Республикамиз аграр секторида кадрлар масаласи ва ишлаб чиқаришга инновацион ёндашувни татбиқ этиш борасида камчиликлар кузатилаётган эди. Соҳага ихтисослаштирилган 7 та олий таълим муассасасидан ҳар йили уч мингдан зиёд битирувчилар чиқса-да, ҳудудларда кадрлар етишмовчилиги яққол сезиларди. Сабаби тизимда ишни ташкил этиш, кадрларни жой-жойига қўйиш борасида палапартишлик сезиларди⁶. Соҳадаги бу каби муаммоларнинг ечимига қаратилган айрим тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан:

Биринчидан, мойли экинлар донини етиштириш ва уни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган юқори малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида, кишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида “Соя ва мойли экинлар” кафедрасини ташкил этиш ва унда ихтисослаштирилган тор доирадаги “агроном”ларни тайёрлаш;

Иккинчидан, мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тармогидаги бошқарув тизимининг ташкилий-услубий ва кадрлар таъминотини такомиллаштириш мақсадида, Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат бошқаруви тизимида “Мойли ва дуккакли экинлар бошқармаси” ҳамда вилоятлар ва туманларда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

Учинчидан, мойли экинлар жумладан соянинг уруглик материалларига бўлган эҳтиёж ва қарамликни юмшатиш ва хўжаликларни мамлакатимизда етиштирилган ва маҳаллийлаштирилган уруглик материаллари билан таъминлаш мақсадида “республикамизнинг тупроқ-иклим шароитларини чуқур таҳлил қилиб, ҳар бир вилоятда камида биттадан ноанъанавий мойли экинлар уругчилигига ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш” орқали “мойли экинлар уруглиги етиштиришга ихтисослаштирилган уругчилик фермер хўжаликлари”ни ташкил этиш таклиф этилади.

Таклиф этилаётган асосий ва қўшимча бошқарув тузилмалари жойларда фаолият юритаётган корхоналарнинг мавжуд муаммо ва камчиликларини тизимли равишда ўрганиб, фан, таълим ва амалиётни ўзаро интеграциялаштириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқчи бўлган бўлажак тадқиқотчилар учун ўз ечимини кутиб турган муаммоли масалаларни қамраб олган “Тармоқ муаммолари банки”ни ташкил этилиши мумкин.

Бундан ташқари, республикада мойли ва дуккакли экинларни ривожлантириш масаласидаги ягона бошқарув тузилмаси вужудга келади. Ҳудудларда ихтисослаштирилган кишлоқ хўжалиги агрокластерларини ташкил этиш бўйича қулай шароит юзага келади. Корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан йил давомида тўлиқ фойдаланиш учун хом-ашё ресурсларининг етишмовчилигини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар имконияти юзага келади. Фундаментал, амалий ва инновацион илмий-техник дастурларни шакллантириш ва улар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жадаллашади.

⁶<https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-qishloq-khozhalogini-rivozhlantirish-strategiyasi-iqtisodiyotimiz-drajveri-khalqimiz-turmush-farovonligini-taminlovchi-yangi-bosqichdir>

Мойли ва дуккакли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича республика ва хорижий давлатларнинг инвестицияларини жалб этиш масаласида таклиф ва қарорлар қабул қилишда етакчи бўгин сифатида иштирок этади. Жавобгарлик ва манфаатдорлик ошади. Мазкур соҳани чуқур таҳлил қилиш ва уни ўрганиш учун ягона маълумотлар базаси шакллантирилади. Натижада, тармоқ ривожланишини комплекс мониторинг, назорат ва таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, “Тошкент ёг-мой” акциядорлик жамияти билан мойли экинлар донини етиштирувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари ўртасида амал қилаётган ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимининг асосий камчилиги ўсимлик мойи ва бошқа қўшимча маҳсулотларни иштирокчилар ўртасида тақсимлашда иқтисодий асосланган улуш мавжуд эмаслигидир.

Умуман олганда монографик тадқиқот объекти ҳисобланган Тошкент вилоятида сўнгги беш йилда, яъни 2015-2019 йилларда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш рентабеллиги 14,5 дан 28,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

Тошкент вилоятида ўсимлик мойи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар					2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши, +/-
	2015	2016	2017	2018	2019	
Сотилган ўсимлик мойи таннари, млн. сўм.	5570,8	1519,3	1374,7	15935,1	13699,7	8128,9
Ўсимлик мойи сотишдан олинган тушум, млн. сўм	43990,1	9959,9	5657,3	61464,0	61768,8	17778,7
Ўсимлик мойи сотишдан фойда (зарар), млн. сўм	38419,3	8440,6	4282,6	45528,9	48069,1	9649,8
Ишлаб чиқариш рентабеллиги, %	14,5	18,0	32,1	35,0	28,5	14

Шундай қилиб, мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш самарадорлиги хом-ашё (мойли экинлар дони)ни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва олинган ўсимлик мойи ҳамда қўшимча маҳсулотларни сотиш бўйича ташкилий-иқтисодий муносабатлар тизимининг илмий-услубий жиҳатдан асосланганлиги билан боглиқ.

Мойли экинларни етиштирувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабат-

⁷ Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ларнинг ҳозирги ҳолати фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини ҳам, қайта ишлаш корхоналарини ҳам рағбатлантирмайди.

Бунинг асосий сабаблари ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларнинг норматив ва ташкилий-услубий жиҳатлари ишлаб чиқилмаганлиги, ҳисоб-китобларнинг илгор замонавий шакллари қўлланилмаслиги, даваль хом-ашёни қайта ишлаш шартларининг иқтисодий асосланмаганлиги, ўсимлик мойи ва қўшимча маҳсулотларни иштирокчилар ўртасида тақсимлашда иқтисодий адолат ва манфаатдорлик принципларининг бузилиши ва бошқалар. Фикри-мизча, бундай муаммоларни илмий асосланган ҳолда ҳал этиш учун фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари, молиялаштирувчи банклар, таъминот ташкилотлари, савдо-воситачи ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, ахборот-консалтинг фирмалари, манфаатдор маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор хўжалик юритувчи субъектларининг интеграциялаш негизида иқтисодий ривожланишнинг инновацион технологияларига асосланган ёғ-мой кластерларини шакллантириш лозим.

Диссертациянинг **“Мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлаш тизимининг самарадорлигини ошириш йўллари”** номли учинчи бобида мойли экинлар донини етиштириш шарт-шароитлари бўйича ҳудудларнинг туркумланиши, ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжни прогнозлаш асосида мойли экинлар донини етиштириш ва қайта ишлашни оптималлаштириш ва минтақавий агрокластерларни шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган ва шулар асосида илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда мойли экинлар хом-ашёси (дони)ни етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини самарали жойлаштириш бўйича ҳудудларни туркумлашнинг услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Шунинг учун ҳам, мазкур қуйи тармоқда ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари ва уларни ифодаладиган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кластерли таҳлил услубларига асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишга эҳтиёж кучаймоқда.


Мойли экинлар хом-ашёси (дони)ни етиштириш ва қайта ишлашнинг ривожланганлик даражаси бўйича ҳудудларни туркумлаш учун ишлаб чиқариш объектларини иккита мезон бўйича табақалаштириш тавсия этилади:

– қуйи тармоқда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва концентрациялаш даражаси бўйича;

– мазкур қуйи тармоқнинг самарадорлик даражасини белгиладиган рақобатбардошлиги бўйича.


Ишлаб чиқариш объектларини бир нечта кластерларга ажратиш мойли экинлар хом-ашёси (дони)ни етиштириш ва қайта ишлашни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва асослашга имкон беради.

Ҳудудларни хом-ашё (мойли экинлар дони) етиштириш ва қайта ишлашнинг ривожланганлик даражаси бўйича туркумлаш учун бирламчи услубий ёндашувни қуйидаги алгоритм кўринишида келтирамиз (2-расм).



2-расм. Хом-ашё етиштириш ва қайта ишлашнинг ривожланганлик даражаси бўйича худудлар туркумланиши алгоритми⁸

Ўтказилган таҳлиллар асосида мойли экинлар хом ашёси (дони)ни етиштириш ва қайта ишлашнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини қуйи тармоқнинг аҳамиятлилиги, ривожланганлик даражаси ва рақобатбардошлиги бўйича гуруҳлаштириш мумкин (3-расм).



3-расм. Хом-ашё (соя дони) ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари⁹

Агросаноат мажмуининг асосий ижтимоий-иқтисодий мақсадларидан бири – мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва унга бўлган истеъмолни

⁸ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

⁹ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

илмий асосланган меъёрларга яқинлаштириш бўлиб ҳисобланади. Бу каби мақсадларга эришишда агросаноат мажмуи тармогида фаолият юритаётган соҳа мутахассислари ва илмий ходимлар олдида бир қатор вазифаларни юклайди.

Ана шундай вазифалардан бири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли қарори¹⁰га асосан тасдиқланган “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш КОНЦЕПЦИЯСИ”да ўрин олган.

Мазкур Концепциянинг 3-боб 4-бандида “... озиқ-овқат маҳсулотларининг даволаш-профилактик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг турли жинси ва профессионал гуруҳлари учун овқатланишнинг тавсия этиладиган ўртача суткалик меъёрларини ишлаб чиқиш” белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, одамларнинг жинси ва ёш таркиби турли-туман бўлиб, улар ҳар хил меҳнат шароитларида фаолият олиб боришади. Демак, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол меъёрлари ҳам турлича бўлади. Хусусан, аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талаби ҳам.

Олиб борилган монографик тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, илмий ва ўқув-услубий адабиётларда ҳамда тегишли идораларнинг маълумотномаларида республика аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган тиббий меъёр талаблари турлича келтирилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-тиббий жиҳатдан асосланган озиқ-овқат меъёрлари бўйича тасвиялар”да аҳолининг ўсимлик мойига бўлган тиббий меъёр талаби бир кунга – 26,0 гр. ва бир йилга 9,5 (11,0) кг. эканлиги кўрсатиб ўтилган¹¹.

Бизнинг фикримизча, республикамызда ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойини аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркиби ҳамда ҳар хил меҳнат шароитларида ишлашларини инобатга олиб, аҳолининг ўсимлик мойига бўлган кунлик (суткалик) ўртача истеъмол талабини аниқлашда шартли равишда “*Меҳнатга лаёқатсиз аҳоли учун тавсия қилинган бир кунлик рационал овқатланиш озиқ-овқат меъёрлари*” ҳамда “*1-гуруҳ меҳнатга лаёқатли аҳоли учун тавсия қилинган бир кунлик рационал овқатланиш озиқ-овқат меъёрлари*” асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади¹². Бундан ташқари, мазкур истеъмол меъёрлари асосида, республика аҳолиси учун ўсимлик мойига бўлган йиллик талабни ҳам аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, 2-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, *ўсимлик мойига бўлган бир кишининг ўртача кунлик (суткалик) истеъмол меъёри 23,43 граммни, йиллик истеъмол меъёри эса, 8,55 килограммни ташкил этади.*

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сонли қарори.

¹¹“Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-тиббий жиҳатдан асосланган озиқ-овқат меъёрлари бўйича тасвиялар”. Тошкент-1986 йил. (Справочник. Ўрта Осиё кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий текшириш илмгоҳи) –4. 364-бет

¹²Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2020 йил 24 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари” тўғрисидаги №0007-20 рақамли СанҚваН.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСИМЛИК МОЙИНИНГ ТУРЛИ ЖИНСДАГИ АҲОЛИ ЁШ ТАРКИБИ БЎЙИЧА ЎРТАЧА ТАҚСИМЛАНИШИ (2020 йил 1 январ ҳолати бўйича)¹³

№	Аҳолининг ёш таркиби	Жами аҳоли сони, (минг киши) 31 декабрь ҳолати бўйича	Ўсимлик мойига бўлган бир кишининг ўртача кунлик (суткалик) истеъмол меъёри, гр.	Умумий аҳоли сони таркибида				Ўсимлик мойига бўлган бир кишининг ўртача йиллик истеъмол меъёри, кг.	Жами аҳолининг Ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби, минг/т.
				аёллар, минг киши	Аёлларнинг ўсимлик мойига бўлган кунлик (суткалик) истеъмол меъёри, гр.	эркаклар, минг киши	Эркакларнинг ўсимлик мойига бўлган кунлик (суткалик) истеъмол меъёри, гр.		
Ҳисоблаш формуллари		$B = \sum_{i=1}^n B_i$	$C = \frac{D * E + F * G}{B}$	$D = \sum_{i=1}^n D_i$	$E = \frac{\sum_{i=1}^n D_i * E_i}{D}$	$F = \sum_{i=1}^n F_i$	$G = \frac{\sum_{i=1}^n F_i * G_i}{F}$	$H = C * 0,365$	$K = \frac{H * B}{1000}$
n	A	B	C	D	E	F	G	H	K
Жами		33905,2	23,43	16859,9	21,72	17045,3	25,12	8,55	290,0
Шу жумладан ёшлари									
n	A _i	B _i	C _i	D _i	E _i	F _i	G _i	H _i	K _i
1	0-2	2218,2	7,5	1061,8	7,5	1156,4	7,5	2,7	6,1
2	3-5	2130,5	13,3	1022,9	13,3	1107,6	13,3	4,9	10,3
3	6-7	1297	17,5	624,8	17,5	672,2	17,5	6,4	8,3
4	8-15	4754,9	21,3	2306,8	21,3	2448,1	21,3	7,8	37,0
5	16-17	1017,9	25,0	494,7	25,0	523,2	25,0	9,1	9,3
6	18-19	1010,8	27,6	493,3	25,0	517,5	30,0	10,1	10,2
7	20-24	2890,7	27,6	1411,6	25,0	1479,1	30,0	10,1	29,1
8	25-29	3212,5	27,5	1577,8	25,0	1634,7	30,0	10,1	32,3
9	30-34	3037,5	27,5	1504,7	25,0	1532,8	30,0	10,0	30,5
10	35-39	2492,2	27,5	1243,9	25,0	1248,3	30,0	10,0	25,0
11	40-49	3968,9	27,5	1997,8	25,0	1971,1	30,0	10,0	39,8
12	50-59	3111,6	26,1	1617,3	22,5	1494,3	30,0	9,5	29,6
13	60-69	1875	22,4	993,2	20,0	881,8	25,0	8,2	15,3
14	70-74	359,5	22,3	197,1	20,0	162,4	25,0	8,1	2,9
15	75-79	216,2	22,2	119,4	20,0	96,8	25,0	8,1	1,8
16	80-84	172,5	22,0	102,1	20,0	70,4	25,0	8,0	1,4
17	85 ёш ва катталар	139,3	21,7	90,7	20,0	48,6	25,0	7,9	1,1

¹³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2020 йил 24 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари” тўғрисидаги 0007-20 рақамли СанҚваНнинг 1 ва 2 иловалардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан Excel дастурида ишлаб чиқилган.

